



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
кељаги  
бўюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2007 йил 20 январь, № 16 (4169)

Шанба

## Республика Байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 15 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш қатнашчиларига

Муҳтарам ватандошлар!  
Азиз дўстлар!  
Ўзбекистон — бугунги кунда 130 дан  
зиёд миллат ва элат вакиллари тенг  
ҳуқуқлилик ва ўзаро ҳамжихатлик шароитида  
аҳил-иноқ яшаб, меҳнат қилаётган  
кўп миллатли мамлакатдир.

Қадимий диёримизда асрлар давомида  
турли маданият ва цивилизациялар  
ёнима-ён яшаб келгани, бу эса бағрикенглик,  
тинчликпарварлик, саховат ва меҳроқибатлилик  
фазилятлари билан ажралиб турадиган  
халқимизнинг ўзига хос менталитети  
шаклланишида муҳим аҳамият касб этгани  
шубҳасиз.

Бу нафақат ноёб ўзига хослик, балки  
аҳамияти ва моҳияти жиҳатидан ҳар биримиз  
учун бебаҳо бўлган гоҳат катта бойликдир.  
Бир томондан халқларнинг ўзига хослиги  
ва бетақдорлигини сақлаш учун, бошқа томондан  
— тарихан шаклланган қадимий миллий маданиятлар,  
санъат ва халқ ижодиёти, юз йиллар давомида  
таркиб топган миллий анъана ва урф-одатларнинг  
ўзаро яқинлашуви ва бир-бирини бойитиши  
учун, мамлакатимизда яшаётган турли миллат ва  
элат вакиллари ўртасида ўзаро ҳамжихатлик  
ва ҳурмат муҳитини қарор топтириш учун  
очилаётган имкониятларнинг нечоғли юксак  
аҳамиятга эга эканини ҳам алоҳида таъкидлашимиз  
жоиз.

Инсонлар орасидаги ана шу ўзаро ҳурмат  
муҳити, улар қайси тилда сўзлашишидан қатъи  
назар, Ўзбекистон деб аталган умумий уйимизда  
ҳукм сураётган

тинчлик, барқарорлик ва осойишталикнинг  
энг муҳим асоси ва гарови бўлиб хизмат қилмоқда.

Бир қарашда оддий туюладиган, аммо гоҳат  
теран ва муҳим бўлган бундай тушунча ва  
ҳақиқатлар тўғрисида гапирар эканмиз, Сиз,  
миллий маданият марказлари раҳбарлари ва  
фаолларининг халқимиз фаровонлиги, осмонимиз  
мусаффолиги, фарзандларимиз ва бираларимиз  
кељаги йўлида қилаётган том маънодаги  
олижаноб ва фидокорона меҳнатининг учун  
ҳар қанча таҳсин-тасаннолар айтсак арзийди.

Ҳеч бир муболагасиз айтиш мумкинки,  
Республика Байналмилал маданият маркази  
ўз фаолияти давомида мамлакатимизда  
миллатлараро ва фуқаролараро тотувлики  
янада мустаҳкамлашга қаратилган янги гоҳат  
ва ташаббуслар пайдо бўлаётган ҳақиқий  
дўстлик уйига айланди.

Сизларни Республика Байналмилал маданият  
маркази ташкил этилганлигининг 15 йиллиги  
билан чин қоракдан табриклашга ва барчангизга  
самимий миннатдорлик туйғуларини иҳор этишга  
ижозат бергайсизлар.

Сизларга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат,  
мамлакатимизнинг бугуни ва келажги учун  
гоҳат муҳим бўлган фаолиятингизда янги  
дан-янги муваффақиятлар тилайман.

Ислом ҚАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти.



## БИР ОИЛА ФАРЗАНДЛАРИ

Бош қомусимизда миллатлараро ва диний бағрикенглик  
тамоили мустаҳкамлаб қўйилган. Шунингдек, унга мувофиқ  
мамлакатимизда яшаётган ҳар бир киши жинси, ирқи, миллати,  
тили, дини ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, бир хил  
ҳуқуқ ва эркинликка эга ҳамда қонун олдида тенгдирлар.

Президентимиз ташаббуси билан 1992 йилда Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилиб, унинг зиммасига ўз тили, маданияти, санъати, миллий хунармандчилиги, урф-одат ва анъанасига эга

бўлган миллатлар марказларини мувофиқлаштириш, шунингдек, уларга амалий ва услубий кўмак бериш, ҳар бир миллатнинг ўзига хос удумларини асраш бағрикенглик тамоили асосида миллатлараро бир-бири

тини тушуниш, ҳамкорлик ва ҳамжихатлик фазилятларини сингдириш каби устувор вазифалар белгиланди.

Хозир юртимизда турли миллат ва элатларни бирлаштирган 140 дан зиёд марказ фаолият юритмоқда.

Улардан 13 таси республика даражасидаги мақомга эга. Рус, украин, корей, туркман, қозоқ, уйғур, немис, поляк марказларининг худудий бўлинмалари ҳам ишлаб турибди. Ушбу марказлар учун миллат ва элатлар ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш гоҳаси асосий дастуриламалдир.

Бугун Республика байналмилал маданият маркази ўзининг 15 йиллик тантаналарини нишонламоқда. Шу

муносабат билан жойларда "Ўзбекистон — умумий уйимиз", "Қучимиз — бирлик ва жипсликда", "Ватан ағонадир, Ватан биттадир" каби фестиваллар ташкил этилмоқда. Уларда эса ҳур Ўзбекистонимиз жамоли, дўстлик, биродарлик, ҳамжихатлик каби эзгу фазилятлар янада улуғланмоқда.

Саидолим ҲАЙДАРОВ,  
Темир ҚУРБОНБЕКОВ  
олган сурат.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### Республика Байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 15 йиллиги муносабати билан миллий-маданий марказларнинг бир гуруҳ фаолларини мукофотлаш тўғрисида

Мамлакатимизда миллатлараро дўстлик, ҳамжихатлик ва тотувлики янада мустаҳкамлашга, ёш авлоднинг ватанпарварлик, инсонпарварлик, мустақиллик гоҳларига садоқат руҳида тарбиялашга, миллий-маданий марказлар фаолиятини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси учун қўйидагиларга фахрий унвон берилсин:

**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими**  
**Волков Петр Петрович** — Андижон вилояти Рус миллий-маданий маркази раиси, «Андижанская правда» газетаси муҳаррири  
**Эрметова Шарофат Джураваевна** — Тошкент шаҳар «Ориёна» тожик миллий-маданий маркази раисининг ўринбосари, Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг «Дўстлик» гуруҳи катта муҳаррири

Миллий маданиятлар, урф-одат ва анъаналарнинг ўзига хослигини сақлаш ва ривожлантириш, турли миллат вакиллари ўртасида дўстлик ва қардошлиқни мустаҳкамлаш соҳасидаги самарали хизмати ҳамда мамлакатимиз ижтимоий ҳаётидаги фаол иштироки учун қўйидагилар мукофотлансин:

**«Дўстлик» ордени билан**  
**Абдикаримов Алимжан Шауленович** — Қорақалпоғистон Республикаси Қозоқ миллий-маданий маркази аъзоси, Халқаро Орлози кўчарши жамғармаси Нукус филиалининг бош мутахассис-эксперти  
**Айхвальд Нина Ивановна** — Фарғона вилояти Немис миллий-маданий маркази раиси

**Джанибеков Абдусалом** — Сирдарё вилояти Қирғиз миллий-маданий маркази раиси, Вилоят педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтининг кафедра мудири

**Ихсанов Равиль Ядгарович** — Қашқадарё вилояти Татар-бошқирд миллий-маданий маркази раиси, «Новости Кашқадарь» газетасининг махсус муҳбири  
**Курбанов Оразмырат Режепович** — Республика Туркман миллий-маданий маркази раиси, «Хунарманд ва КОР» очик акциядорлик жамияти директори  
**Михайлов Виктор Владимирович** — Республика

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Тошкент шаҳри,  
2007 йил 19 январь

Яхудий миллий-маданий маркази раиси, «Санавита» масъулияти чекланган жамияти ходими

**Новицкий Зиновий Богданович** — Республика «Славутич» Украин миллий-маданий маркази раисининг ўринбосари, Урмон хўжалиги ва манзарали боғдорчилик илмий ишлаб чиқариш маркази бўлим мудири  
**«Шухрат» медали билан**

**Гайибов Аскар Раджабович** — Сурхондарё вилояти Тожик миллий-маданий маркази раиси, Ўзбекистон ХДП Термиз шаҳар Кенгаши раиси

**Давлетова Саида Салиевна** — Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг «Ақборот» дирекцияси журналист-муҳбири

**Ни Лариса Петровна** — Наманган вилояти Корейс миллий-маданий маркази раиси, «Ника» хусусий фирмаси раҳбари  
**Хасанов Илшад Хасанович** — Тошкент шаҳар Бошқирд миллий-маданий маркази раиси, «Сувлойиҳа» очик ҳиссадорлик жамияти етакчи муҳандиси

И. ҚАРИМОВ

28 ноябрь — 15 декабрь кунлари Қатар пойтахти Доҳа шаҳрида ўтган XV Осиё ўйинлари якунланган йилнинг энг нуфузли мусобақаларидан бўлди. Унда ўн бир олтин, ўн тўрттадан кумуш ва бронза, жами 39 медал жамғарган спортчиларимиз умумжамоа ҳисобида кучли еттиликдан жой олди.

савияда ташкил этилаётгани ва Ўзбекистон заминида тарбияланган спортчиларнинг йирик мусобақаларда қўлга киритаётган улкан ютуқлари самараси ўлароқ, Ватанимиз дунё ҳамжамияти томонидан спорт мамлакатини сифатида

ҳалқимизнинг спорт соҳасидаги юксак салоҳиятини яна бир бор яққол намоён этдилар. Ўзбекистон денгиз ва уммонлардан анча йироқда жойлашган. Лекин, спортчиларимиз очик ҳавзаларда ўтказилган академик эшкак

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ХўЖАЛИК СУДИДА

19 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раёсатининг йиғилишида хўжалик судларининг 2006 йилдаги фаолияти якунлари ва 2007 йилдаги устувор вазифалар муҳокама этилди.

Таъкидландики, хўжалик судларининг 2006 йилдаги фаолияти хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги низоларни адолатли қўриб чиқишга, тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилди.

Хусусан, 2006 йилда хўжалик судлари томонидан тадбиркорлар ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар иштирокидаги 212.800 тага яқин низоли ишлар қўриб чиқилган ва бу рақам 2005 йилга нисбатан сал кам икки бараварга кўпайган. Тадбиркорларга қўлайлик яратиш мақсадида уларнинг давло аризалари тасдиқланган ҳадвалар асосида туманларда қабул қилиниб, 88.700 та иш бевосита жойларда, саяёр суд мажлисларида қўрилган. Дав

(Давоми 2-бетда).

## ВАТАН ШАРАФИНИ УЛУҒЛАЁТГАНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 декабрда қабул қилинган «Осиё ўйинлари голиблари ва совриндорларини мукофотлаш тўғрисида»ги фармони ва ушбу ҳужжат ижросини таъминлашга қаратилган Фармойишига биноан Осиё ўйинлари чемпионлари 5000, кумуш медал соҳиблари 3000 ва учинчи ўринни эгаллаган спортчилар 2000 АҚШ доллари миқдорига пул мукофоти билан тақдирланди.

Тошкентда XV Осиё ўйинлари голиблари ва совриндорларига ушбу мукофотларни топшириш маросими бўлиб ўтди.

Мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Ш.Мирзиёев топширди.

Мамлакатимизда спортни ривожлантиришга давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида эътибор берилётгани алоҳида таъкидланди. Халқимизни, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлодни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб



С. УРМОНОВ олган сурат.

қилиш мақсадида ҳар йили барча қўлайликларга эга юзлаб спорт иншоотлари барпо этилиб, замонавий талабларга мос даражада жиҳозланилаётди.

Президентимиз Ислом Каримов мамлакатни дунёга танитишда спортнинг аҳамияти беқубе эканини алоҳида таъкидлаган. Дарҳақиқат, юртимизда қўлаб спорт турлари бўйича жаҳон ва қитъа чемпионатлари, нуфузли халқаро турнирларнинг юқори

эътироф этилган.

XV эзги Осиё ўйинларида Гузал Хўббиева, Баҳоидир Султонов, Элшод Расулов, Рустам Саидов, Вадим Меньков, София Каспулатова, Владимир Черненко, Руслан Наурузлиев, опа-сингил Севара ва Зарина Ғаниева, Дилшод Мансуров ҳамда Артур Таймасов шоҳушунинг энг юқори поғонасига қўрилди.

Айтиш жоизки, Доҳадаги ўйинларда спортчиларимиз

Бугунги кунда Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий ассоциацияси (УЭННТМА) аъзоларининг сони тобора ортиб бормоқда. Мазкур ассоциация юртимизда турли йўналишлардаги лойиҳаларни амалга оширмоқда.

Жумладан, минтақалараро ҳамкорликни ривожлантириш, УЭННТМА ижтимоий гуманитар йўналишидаги лойиҳаларни самарали амалга ошириш ва нодавлат нотижорат

ташкilotларининг ўзаро алоқаларини яхшилаш ҳамда ННТлар, давлат органлари, ОАВлар билан фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида республика вилоятларида ахборот ресурс марказлари ташкил этилмоқда.

## Ғолиб ННТлар тақдирланди

Кеча Ўзбекистон Касаба уюмлари ўқув марказида Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциациясининг ижтимоий гуманитар дастурлари доирасида 2006 йилда ўтказилган «Ўзбекистоннинг 5 та вилоятида ахборот ресурс марказлари ташкил этиш» лойиҳаси бўйича танлов якунлари бўлиб ўтди. Республикаимиздаги энг фаол ННТлар иштирок этган мазкур танлов

жамоатлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги низоларни адолатли қўриб чиқишга, тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилди.

жамоатлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар иштирокидаги 212.800 тага яқин низоли ишлар қўриб чиқилган ва бу рақам 2005 йилга нисбатан сал кам икки бараварга кўпайган. Тадбиркорларга қўлайлик яратиш мақсадида уларнинг давло аризалари тасдиқланган ҳадвалар асосида туманларда қабул қилиниб, 88.700 та иш бевосита жойларда, саяёр суд мажлисларида қўрилган. Дав

С. ДОНИРОВ,



Ўзбекистон Республикаси вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармалари бошлиқлари, Ўзбекистон Республикаси «Ергеодекадастр» қўмитаси, «Ўқийшўжтаъминоттаъмирлаш» давлат концерни, деҳқон ва фермер ҳўжаликлари уюшмасининг вилоятлардаги бўлимлари бошлиқлари, электр тармоқлари корхоналари раҳбарлари ҳамда ўрта махсус касб-хўнар таълими бошқармалари бошлиқлари, касб-хўнар коллежлари директорлари, давлат ташкилотлари, корпорациялар, банклар, қўшма ва хўсусий корхоналар раҳбарлари диққатига!

## ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ

2006-2007 ўқув йилида битирувчи бакалавр ҳамда магистрларни иш билан таъминлаш мақсадида бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлари ярмаркасини ўтказди. Институтда таълим олган бакалавр ва магистрлар мамлакатимиз аграр ва сув ҳўжалик соҳасида қўлланилиб келаётган замонавий техника ва технологиялар билан кенг таниш бўлиб, иш фаолиятини бозор иқтисодиёти талабларига мос равишда ташкил қилишда мукамал назарий ва амалий билимларга эга бўлган мутахассислар ҳисобланади. «Битирувчи — 2007» ярмаркаси 30 январь соат 10.00 да ўтказилади.

Маълумот учун телефон: 137-09-85. Факс: (371) 133-09-19, E-mail: sci@tashiit.uz

Манилимиз: Тошкент шаҳри, Кори-Нийзий кўчаси, 39-уй, Тошкент ирригация ва мелиорация институти.

### Тошкент ирригация ва мелиорация институти 2006-2007 ўқув йилида битирувчи бакалаврлар тўғрисида маълумот (давлат, шартнома)

№	Таълим йўналиши шифри	Таълим йўналиши номи	Битирувчиларнинг умумий сони		Тошкент ш.		Қорақалпоғистон Республикаси		Андижон		Бўхоро		Жиззах		Навоий		Наманган		Самарқанд		Сурхондарё		Сўғдиёра		Тошкент вил.		Фарғона		Хўразон		Қашқадарё		Бошқа республикалар	
			Д	Ш	Д	Ш	Д	Ш	Д	Ш	Д	Ш	Д	Ш	Д	Ш	Д	Ш	Д	Ш	Д	Ш	Д	Ш	Д	Ш	Д	Ш	Д	Ш	Д	Ш		
1.	5140900	Касб таълими: сув ҳўжалиги ва мелиорация	3	7	2	5									1																			
2.	5140900	Касб таълими: қишлоқ ва сув ҳўжалиги энергетикаси	4	9		3																												
3.	5140900	Касб таълими: ер тузиш ва ер кадастри	3	5	2	3																												
4.	5340100	Иқтисодиёт	19	59	7	25																												
5.	5340200	Менежмент	32	29	15	14																												
6.	5340300	Маркетинг	7	5	4	2																												
7.	5340900	Бухгалтерия ҳисоби ва аудит	10	15	3	3																												
8.	5540900	Сув ҳўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаштириш	10	12	5	9																												
9.	5521800	Автоматлаштириш ва бошқариш	5	4	3	4																												
10.	5522800	Энергия тежаш, электротехника тизимлари ва мажмуалари	2	2	1	1																												
11.	5520200	Қишлоқ ва сув ҳўжалиги энергетикаси	17	33	4	13																												
12.	5860100	Ҳаётини фаолият ҳавфсизлиги	11	7	8	2																												
13.	5580200	Бинолар ва иншоотлар қурилиши (турлари бўйича)	18	8	7	3																												
14.	5520300	Гидроэнергетика	5	4	4	2																												
15.	5620700	Ер тузиш ва ер кадастри	21	22	5	5																												
16.	5540100	Геодезия, картография ва кадастр	20	11	7	5																												
17.	5540800	Сув ҳўжалиги ва мелиорация	36	36	9	15																												
18.	5541000	Фермер ҳўжалиги ташкил этиш ва унинг техник сервис	16	6	1	1																												
19.	5850100	Атроф-муҳит муҳофазаси	9	9	5	5																												
20.	5850200	Экология ва табиатдан фойдаланиш	10	11	2	5																												
<b>Жами</b>			<b>258</b>	<b>294</b>	<b>90</b>	<b>123</b>	<b>3</b>	<b>11</b>	<b>2</b>	<b>7</b>	<b>12</b>	<b>4</b>	<b>10</b>	<b>3</b>	<b>4</b>	<b>5</b>	<b>4</b>	<b>16</b>	<b>11</b>	<b>28</b>	<b>21</b>	<b>1</b>	<b>5</b>	<b>32</b>	<b>52</b>	<b>7</b>	<b>7</b>	<b>16</b>	<b>14</b>	<b>44</b>	<b>15</b>	<b>2</b>	<b>3</b>	

### Тошкент ирригация ва мелиорация институти 2006-2007 ўқув йилида битирувчи магистрлар тўғрисида маълумот (давлат, шартнома)

1.	5A340102	Тармоқлар иқтисодиёти (тармоқлар бўйича)	1	9	1	3																													
2.	5A340102	Тармоқлар иқтисодиёти (ZEF/UNESCO халқаро лойиҳа)	1	3																															
3.	5A340201	Менежмент (соҳалар бўйича)	1	8	1	5																													
4.	5A340901	Бухгалтерия ҳисоби (тармоқлар бўйича)	1	6		1																													
5.	5A520205	Электр таъминоти (тармоқлар бўйича)	1	5	1	3																													
6.	5A521005	Гидравлик машиналар ва гидропневмоагрегатлар	1																																
7.	5A521802	Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш (тармоқлар бўйича)	1	4	1	3																													
8.	5A580701	Гидротехника иншоотлари	1	5	1	2																													
9.	5A580705	Селга қарши ва ўзан ростлаш иншоотлари	1	3																															
10.	5A610104	Фермер ҳўжалигида сервис хизмат кўрсатиш	1	3	1	1																													
11.	5A620701	Ер тузиш ва ер кадастри	1	3	1	1																													
12.	5A650102	ГЭС бинноси ва иншоотлари	1	1	1	1																													
13.	5A650201	Гидромелиорация	1	1	1	1																													
14.	5A650202	Мелиорация, рекултивация ва ерлар муҳофазаси	1	1	1	1																													
15.	5A650203	Сув ресурслари муҳофазаси ва комплекс фойдаланиш	1	2																															
16.	5A650204	Мелиорация ва суғорма деҳқончилик	1	1																															
17.	5A650205	Гидротехника ва мелиорация қурилиши	1	1																															
18.	5A650206	Сув кадастри	1	1	1	1																													
19.	5A650208	Гидромелиоратив тизимлардан фойдаланиш	1	3	1	1																													
20.	5A650301	Гидромелиоратив ишларини механизациялаш	1	2	1	1																													
21.	5A650506	Ёнилги-мойлаш материалларини сақлаш ва ташиш, қуйиш воситаларини таъмирлаш ва улардан фойдаланиш	1	3	1	1																													
22.	5A850101	Атроф-муҳит муҳофазаси	1	2	1	1																													
23.	5A850101	Атроф-муҳит муҳофазаси (ZEF/UNESCO халқаро лойиҳа)	1	3																															
24.	5A850308	Атроф-муҳит муҳофазаси (геоахборот)	1	3	1	1																													
<b>Жами</b>			<b>21</b>	<b>67</b>	<b>13</b>	<b>22</b>	<b>3</b>	<b>1</b>	<b>3</b>	<b>1</b>	<b>3</b>	<b>1</b>	<b>2</b>	<b>1</b>	<b>2</b>	<b>4</b>	<b>3</b>	<b>2</b>	<b>2</b>	<b>2</b>	<b>2</b>	<b>9</b>	<b>2</b>	<b>1</b>	<b>10</b>	<b>5</b>	<b>1</b>	<b>10</b>	<b>5</b>	<b>5</b>	<b>2</b>	<b>3</b>			

Эслатма: Д — давлат гранти, Ш — шартнома.

**«ХОРАЗМЎШТЎСАВДО» ОАЖ** кредитдорларнинг навбатдан ташқари йиғилиши 2007 йил 25 январь куни соат 10.00да ўтказилади.

Манзил: Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 23-уй, 3-қават, 325-хона. Телефонлар: 226-40-62, 512-65-54.

Кредиторлар йиғилишига ишончнома билан келишлари лозим. Тугатиш бошқарувчиси А. Джалбаров.

Спорт



Бугун Москвада футбол бўйича МДҲ ва Болтиқбўйи давлатлари чемпионлари кубогига старт берилди. Хабарингиз бор, 28 январьгача давом этайдиган ушбу турнирда мамлакатимизнинг етти карра чемпиони «Пахтакор» ҳам иштирок этмоқда.

Биринчи рақиб «Вентспилс»

Куръа натижаларига кўра, ўн олти жамоа тўрт гуруҳга бўлинган ҳолда кейинги босқичга чиқиш учун баҳс юритади. Чорак финалга гуруҳда биринчи ва иккинчи ўринни эгаллаган жамоалар йўл олишади. Турнирда «Пахтакор» «С»

гуруҳида «Вентспилс» (Латвия), «Шахтёр» (Украина) ва «Бананц» (Арманистон) жамоалари билан куч сынашади. Хамюртларимиз бугун гуруҳдаги дастлабки учрашувни «Вентспилс» жамоасига қарши ўтказди.

Маълумки, «Mehrijon Sport» республика ижтимоий хайрия жамғармаси спортга иқтидори бор, кам таъминланган оилалар фарзандлари ва меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини доимо қўллаб-қувватлаб келади.



«Mehrijon Sport»нинг саховати

Кунни кеча жамғарма янги йилдаги илк тadbирини уюштирди. Тошкент шаҳри ва вилоятдаги ўнга яқин меҳрибонлик уйлари ҳамда Республика болалар руҳий-асаб ва шаҳар болалар сил касалликлари шифохоналарига 8 миллион сўмликдан зиёд иссиқ кийим-кечак

ва чойшаблар тўплами топширилди. Мамлакатимизда 2007 йилнинг «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилиниши муносабати билан қўллаб-қувватлаш режалаштириб кўйганимиз, — дейди жамғарманинг халқаро алоқалар бўйича


директори М. Бобоев. — Жумладан, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ўртасида турли спорт мусобақалари уюштириш, иқтидорларини халқаро мусобақаларига жўнатиш кўзда тутилган.

З. ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Бундан кўп йиллар муқаддам Ҳиндистонга сафар қилганим. Илгари ҳам бу аjoyиботлар мамлакатига бўлганман. Аммо бу гал Ҳиндистонга ушбу мамлакат ахборот агентлиги мени журналист сифатида таклиф этган эди.

Сафар давомида Дехли, Жайпур, Агра, Калькутта, Бомбей, Мадорас, Оллоҳобод ва бошқа шаҳарлардаги тарихий обидалар, ёдгорликлар билан танишдим. Дехлидаги Қизил қалъа саройи, 10 минг кишилик жоме масжиди, Қутб Минор, Мирзо Фолби академиясида бўлдим. Дехлидаги Зарзори қабристонда бўлиб, шоира Зебуносо қабрини зиёрат этдим. Шоира Низомиддин авлиё Хусрав Дехлавий ёнида дафн этилган экан.

Энг муҳими, Аградаги оламга машҳур Тожмаҳал мақбарасини бориб кўрдим. Бу зиёрат қалбимда ўчмас из қолдирди. Ҳиндистонда бўлган биронта сайёҳ ёки меҳмон бу муқаддас мақбарани кўрмасдан кетмайди, албатта. Сафар чоғида берилган имкониятдан фойдаланиб, Тожмаҳалга бир неча бор қадам ранжида қилдим. Ҳатто ой ўн тўрт кунлик бўлган соқин кечада бу севги кошонасининг кўрку чиройини томоша қилиш ҳам менга насиб этган.



Муқаббат обидаси

Жамна сержило, жўшқин дарё. Ҳа, унинг ўзи бир дунё, буюк, гўзал Ҳиндистон дивериниғ оби-ҳаёт, манбаи. Одамзод пайдо бўлибдики, шу дарё бор, тўлиб-жўшиб оқади, қачон, қайдан пайдо бўлган, бу жумбоқ. Кўп авлод-аждодлар ўтиб кетди, шаҳаншоҳлар, амиру хоқонлар гуркираган буюк салтанатлар чок-чокдан сўқилиб, йўқ бўлиб кетди, аммо дарё қолди. Барча нарсанинг ибтидоси, интихоси бор, инсон ҳаёти ҳам ўлчовли. Умр деган нарса бир эшикдан кириб, бошқасидан чиқиб кетишдек гап экан.

Кетурсиз, ризвон кунлар келур яна... Шаҳидларнинг уволи тугди, шекилли, уларнинг кўз ёшлари... Аржумандбону, кўзимнинг нури... уларни ўйламанг? — Уйламай бўлурму, майли мени унутманг, фарзандларимни эҳтиёт қилинг, Сиздан ўтиниб сўрайман. Яна бир илтижойим, Шоҳи Жаҳоним, муқаббатимиз хурмати, садоқатимиз рамзи севгимиз тугилган Жамна ёқасига мени хотирлаб бир ёдгорлик барпо этсангиз.

Шу пайт қандайдур куч маликани тебратиб юборгандай бўлди, чақалоқнинг йиғлаган овози оламни тугди. — Маликам, мени ташлаб кетманг, — дея олди Шоҳжаҳон кўзи ёшланаб. Ёниб турган чирог ўчди, малохатининг сўнги шўъласи сўнди. Она кетди мангуликка, фарзанд келди ёруғ дунёга...

Уқсиб-ўқсиб йиғлар Шоҳжаҳон. Умри бунёд бўлиб ҳеч қачон кўзига ёш олмаган эди, буюк орау, ишонч билан яшарди. Ҳа, орауларни сўнганидан фарёд чекарди. — Нечун, не кечди ҳоли? — Дардлари оғир эмиш, алаҳсираб ҳар дақиқа сизни йўқлар эмишлар. Лашкарларга шу ерда тўхтамоқ учун фармони олий берилди. Уларга маълумки, малика фарзанд кўриши керак эди.

...Навбатдаги юришдан Шоҳжаҳон галаба билан қайтиб келарди. Беҳисоб лашкарларнинг қувончи чексиз. Тахти-равонда Аржумандбону келар, аммо маликанинг ҳоли забун, йўл юриб чарчган. — Улуғ шоҳим, Аржумандбону сизни йўқларлар, тезда. — Нечун, не кечди ҳоли? — Дардлари оғир эмиш, алаҳсираб ҳар дақиқа сизни йўқлар эмишлар.

Шу пайт қурилишда шовш-шўна кўтарилди. Кимсан Шоҳжаҳоннинг ўзлари ташриф буюрдилар. Барчанинг кўзи меҳр-муқаббат, эзгулик қурилишининг соҳиби савлатдор темирзуда Шоҳжаҳонга эди. — Эй моҳир усто қай элардан келибдурсиз бу дегарга? — деди шоҳ.

— Темирыйларнинг буюк пойтахти Самарқанддан, рўйи замин сайқалданмен. Исми-шарифим усто Муҳаммад Шариф дерлар. — Гудлек ҳунарингиз бор экан, илоҳо кўлингиз дард кўрмасин, — деди Шоҳжаҳон. Шоҳжаҳон кўрдими, бир йигит Тожмаҳал дарвозаси пештоқиға нарвон қўйиб, бир қўлида мўйқалам, бўйнига буюк солинган табақани олиб олган. Пастра бўлса бир нуроний мўйсафид уни кузатиб турарди. Шоҳ унга яқин келиб салом берди ва сўради: — Сиз қай элдан бўлурсиз?

— Байтул муқаддасдан. Сиз олий ҳазратлари бунёд этаётган эзгулик кошонасига кўлимиз тегиб қолсун деб келдим. Хув анави йигит неварам Абу Муслим, кўли гул йигит, пештоққа Курьон оятларини битур. — Умридин барака топсун, ҳали сиз ва фарзандингизга, худо насиб этса, кўп иноятлар кўрсатуриш, —

Турли миллат ва элатлар вақиллари, магриб-маширқидан келган саховатпеша кишилар ҳинд халқи билан ёшма-ён, елкама-елка туриб бу муқаббат қасрини қарийб йигирма йил давомида барпо этдилар. Бинонинг ўрта-сизда муғли сағана уммон ўртасидаги сарандқадан келтирилган ноёб қора мармардан ишланган, бу Шоҳжаҳон сууюклисининг ёдгорлиги. Инсон ақл-иқроқи, заковати, қалби бундай мўъжизалар яратишга қодирлигининг исботидир. Тожмаҳал бир мўъжиза, у нафакат йилнинг Қўёш ҳара-

Муқаддас Жамна бўйида катта қурилиш бошланган. Минг-минглаб одамларнинг бири тош кўтарган, бири ёғоч орқалган. Хар бири худди чумоликдек тиришиб меҳнат қилар. Улар биладими, бу ерда эзгуликка, меҳр-муқаббатга ёдгорлик барпо этилур. Барча ишга шохлар шоҳи Шоҳжаҳон бошчилик айлар. — Сизни қаердадир кўргандекман, чехрангиз таниш. — Усто сизни яхши билурмен, сиз тархини чизган Дехлидаги муқаддас жоме масжиди қурилишда камини қатнашганман. Сиз конституционполик меймор Му-

маси аниқ илм, ҳисоб-китоб асосида ишлаб чиқилган. Қоп-қора соқолли, сочлари белига қадар тушган пахлавоқомат киши оғир мармар тошларни йўнарди, ёнида ўзига ўшаган забардаст йигитлар унга ёрдам беришар, кўлларига оғир болга. Шоҳжаҳон улар ҳузурига бориб бутун вужуди билан ишга берилиб кетган пахлавоқларга юзланиб деди: — Балли, барака топинлар... — Шоҳжаҳон «Ҳазратлари менга амр этдиларким, гўзал ойнинг шафқоф нуруларини тошларга сингирди, ёруғ юлдузлар шўъласидан деворларга нақшлар чизилди, шундай кашфиёт айлалгилким, кўёшининг само бўйлаб ҳаракатига қараб бу гўзал севги кошонаси турли рангларга кириб товлансин, рангдаги ҳақиқий марварид, лаъли, садаф, қарабоқ, ёқут, садор ва бошқа тошлардан шундай нақшлар ишлагилким, ишк-муқаббат, садоқат тўйгулари уларга жон киритсин, агар билсанг севги ноёб тўйгулар, ул ҳам Оллоҳнинг меҳри тушган кишига насиб этгай». Шаҳаншоҳнинг сўзларидан англадимки, — деди Шоҳжаҳон. — Кей мўқаббат ёдгорлиги бўлур эркан, — дейди ҳиндистонлик машҳур ўймакор Рам Чанд.

Турли миллат ва элатлар вақиллари, магриб-маширқидан келган саховатпеша кишилар ҳинд халқи билан ёшма-ён, елкама-елка туриб бу муқаббат қасрини қарийб йигирма йил давомида барпо этдилар. Бинонинг ўрта-сизда муғли сағана уммон ўртасидаги сарандқадан келтирилган ноёб қора мармардан ишланган, бу Шоҳжаҳон сууюклисининг ёдгорлиги. Инсон ақл-иқроқи, заковати, қалби бундай мўъжизалар яратишга қодирлигининг исботидир. Тожмаҳал бир мўъжиза, у нафакат йилнинг Қўёш ҳара-

катига қараб, балки хар ой, хар кун, хар соат, хар дақиқада турфа рангга кириб товланади, сеҳрли ойдун кечаларда бутун борлиқ, қионоб билан қўшилиб, гўзал ойнинг шафқоф нурида харир рангга кириб, илк муқаббат нашидасидан маст бўлган бахтиёр келинчакни эслатади. Беқиёс, бой тўйгулар билан кўркам боғлар орасидан юриб чиқиб кетаётганимизда ўзингиз ҳам сезмай негадир орқангизга қарайсиз, шунда гўё Тожмаҳал орқангиздан эргашиб: «Мени ёлғиз ташлаб кетманг» дейётгандай туюлади ва аксична сарҳовулар ёнидан юриб Тожмаҳал томон бораётганимизда у ноз-карашма билан сиздан нари кетаётган ҳаёли келинчакни эслатади. Шунда сиз гўё ажабтовур эртақлар дунёсига тушиб қолгандай бўласиз, ўша замонларга қайтиб Шоҳжаҳоннинг тотли кечинмаларига шерик бўласиз, у билан севги, садоқат, айрилиқ дардларини бирга баҳам кўргандек бўласиз. Муқаббат деган муқаддас сўзнинг уммондек кенг, қўёси йўқлигига тан берайсиз. Севги қасри ҳамон марур турар замонларга буй эрмай... Аммо инсон умри ўлчовлидир. Ҳаёт бетақдор, ёшлик жўшқинлигининг ҳиссиётлари бора-бора сўнгай. Тони талқон қиладиган жаҳонгашта пахлавоқлар, жаҳонгир шохларнинг оёқларидан куч, кўзларидан нур кетгай. — Ўғлим, жигаргўшам, фармон айла, мени хар кун Тожмаҳалга олиб борсинлар, онанг қабрини зиёрат айлай, кўнглим зора таскин топса. — Ойлар кетидан йиллар ўтди, кекса шоҳ энди олис масофага чиқа олмайдиган, зиёратга бора олмайдиган ҳолга етди, оёқлари ишламай, юрломай қолди. — Энди юрагга мажолим йўқдур, хонамдан дарича очиб бер, Тожмаҳални кўриб турай, — деб ўлғига илтижо қилди. Кичик бир даричадан Тожмаҳалга термулиб, кун бўйи ўлтирдирди Шоҳжаҳон шўрлик. Қариллик курсин, кўзлари ёшланар, толлар. Қўли билан ишқалаб, рўмолча билан артар. Бўлмади, нима қилсун, яна ўғлига ялинди, «Илоҳини топ деб». Шоҳ Аврангзеб ўша тешикка заррабон қўйдириб берди. Шоҳжаҳон заррабиндан қарай бериб, охири кўзи кўрмай қолди. Унинг учун дунё энди зимистон эди. Алоҳ уни бе-насиб этди энг сўнги имкониятдан. Энди унинг битта имконияти қолди: қалби билан ҳаёл кўзгуси. Ҳаёлида ўша ёшлик йиллари, жўшқин Жамна соҳилидаги саодатли кунлари, қайноқ муқаббатли дамлар, сўлим ойдун кечалар намоён бўлар. Ўша ширин тўйгулар оғушида бахтиёр эди... Кекса шоҳ кўнглининг тубида ҳамон яшар эди навқирон ёш муқаббат. Ўй нуруларига чулганган гўзал Тожмаҳал ана шу улуғ муқаббатдан асрлар давомида хижоа қилади.

Мақсуд ҚОРИЕВ.

2007 йил 22 февраль ЭЪЛОН! соат 10.00 да. ВШ-717 «Самарқанд - Жиззах», икки томондан ВШ-717 ЙТ «Самарқанд - Жиззах», икки томондан ВШ-723 «Наманган - Фарғона», Наманган томондан ВШ-724 «Наманган - Қўқон», икки томондан ВШ-732 «Бухоро - Қарши», икки томондан ВШ-732 ЙТ «Бухоро - Қарши», икки томондан ВШ-761 «Марҳамат - Кува», икки томондан ВШ-766 «Олмалик - Учқулоч», икки томондан ВШ-767 «Бухоро - Шахрисабз», икки томондан ВШ-785 «Сирдарё - Самарқанд», икки томондан ВШ-788 «Тошкент - Гулистон», Гулистон томондан ВШ-804 «Қарши - Самарқанд», икки томондан ВШ-809 ЙТ «Навоий - Зиедин», Навоий томондан ВШ-810 «Тошкент - Зарбдор», икки томондан ВШ-818 «Тошкент - Шахрисабз», Тошкент томондан

шаҳарлараро-вилоятлараро автобус ва йўналишли такси йўналишларида ишлаш ҳуқуқини олиш учун очик тендер ўтказилади. Очик тендерда мулкчилик шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган тартибда рўйхатга олинган, солиқ органлари ҳисобида турувчи ва автомобиль транспортда шаҳарлараро йўловчи ташишни амалга ошириш учун лицензияси бўлган ҳўжалик юритувчи юридик шахслар иштирок этиши мумкин. Тендер ташкилотчиси — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 29 июлдаги 368-сонли қарори билан тўзилган шаҳарлараро-вилоятлараро ва халқаро йўналишларни жойлаштириш учун очик тендерлар ўтказишни ташкил этиш масалалари бўйича идоралараро комиссия. Комиссия манзили: Тошкент шаҳри, Усмон Юсупов кўчаси, 3-уй. Очик тендерда иштирок этишни хоҳловчилар идоралараро комиссияга тендер ҳўжатлари пакетини олиш учун Тошкент шаҳридаги «Турон» АТБдаги 202100000745005012 махсус х/р (банк коди 00446, ИНН 202811527, ХХТУТ 97300)га 25 минг сўм ўтказиб, 2007 йил 18 февралгача бюуртма беришлари лозим. Идоралараро комиссия тендер таклифларини 2007 йил 21 февраль соат 14.00 гача қабул қилади.

Тендер ўтказиш манзили: Тошкент ш., Усмон Юсупов к., 3-уй, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги мажлислар зали. Маълумот учун телефонлар: 142-56-27, 142-18-10.

Ушбу жойда Сизнинг рекламанингиз бўлиши мумкин эди! «Халқ сўзи»даги Реклама — бизнесингизни қўллаб-қувватлайди! Сизни қўйидаги манзила кутуби: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй, 242-хона. Тел.: 136-09-25, 132-10-63. E-mail: Xalk\_suzi@rembler.ru

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ректорати ва Бирлашган қасаба уюшма кўмитаси Фалсафа кафедраси катта ўқитувчиси Обиджон Собирович МАҲМУДОВНИНГ вафоти муносабати билан маъмурини оила аъзолари ва ақсиларига чўқур таззия изҳор этади. «O'zbektelefilm» давлат унитар корхонаси жамоаси корхона ходими Лола Солиқовага турмуш ўртоғи Комялжон СОДИҚОВНИНГ вафоти муносабати билан чўқур ҳамдардлиқ билдиради. Суллар департаменти Тошкент шаҳар худудий бошқармаси Мирзо Улуғбек тумани суд ижроичилар бўлими катта суд ижрочиси Нурмат Пирмухаммедовга паадари бузруквори Ҳаъимжон ПИРМУХАММЕДОВНИНГ вафоти муносабати билан чўқур таззия билдиради.

КАБЕЛЬ-СИМ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ «O'ZKABEL» OAJ QK. Сизни чип қалбдан Янги — 2007 йил билан табриқлайди! Мустақкам соғлиқ, омад Сизга ҳамини ёр бўласин. Янада суалаб-ишанишгизга тилақдонимиз! Янги йил зишқ қоқди, Уйиғиз бахтга тўлсин. Оруз-умидлар бу йил, Албат рўёбга чиқсин! Тошкент ш., Ф.Хўжаев к., 2. Тел./факс: (+99871) 162-02-86, 162-13-33 www.uzkabel.uz

ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ «УНИВЕРСАЛ БИРЖА МАРКАЗИ» Фарғона вилояти филиали очик аукцион савдоларига таклиф этади. 2007 йил 27 февраль кун соат 15.00 да Фарғона ш., А. Навоий к., 47-«А» уй, «Универсал биржа маркази» биносида бошланғич баҳоси босқичмар-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига суд ижрочилари томонидан хатланган қўйидаги мулк қўйилмоқда: Суд ижрочиларининг Марғилон шаҳар бўлинимаси томонидан 2005 йил 2 майдаги №15-05-02/2149-сонли ижро ҳўжатига асосан рўйхатга олинган, Марғилон шаҳри, Бобур кўчаси, 2-«В» уйда жойлашган «Кем бахт» МЧЖга тегишли бино ва ишоотлар. Бошланғич баҳоси — 25 000 000 сўм. Мулк 2007 йил 27 февраль кундаги савдода сотилмай қолса, 2, 6, 9, 13, 16, 20, 23, 27 ва 30 март кунлари қайта савдога қўйилиши мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридида закатат пулини қўйидаги ҳисоб рақамларига тўлашлари шарт: - жисмоний шахслар учун: транзит х/р 29880400090000493415 Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Фарғона филиали, МФО 00493, ИНН 204325773; - юридик шахслар учун: х/р 20208000604234776021 Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Фарғона филиали, МФО 00493, ИНН 204325773. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризалар ва закатат пулларини қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхташилади. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан, шунингдек, савдога қўйилган мулклар билан танишиш истагидида бўлганлар қўйидаги манзилга нуружат қилиш мумкин: Ўзбекистон банклар ассоциацияси «Универсал биржа маркази» Фарғона вилояти филиали, Фарғона ш., А. Навоий к., 47-«А» уй, 2-хона. Телефонлар: 226-45-48, 226-95-98.

Халқ сўзи Народное слово. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ш. ЖАББОРОВ. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюуртма Г — 053. 38237 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А—2. ТЕЛЕФОНЛАР: Газетхоналар билан алоқа ва миттақалар бўлими 133-52-55; Котиббинт 133-10-28; Эълолар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида тервди ва операторлар Жамшед Тогоев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди. Г — Тижорат материал. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА ақсуни — 22.20 Тошпирилди — 22.30 1 2 3 4 5